

# Тўртинчи саноат инқилоби: молиявий технологияларни банк секторида янги жараёнга ўтказиш стратегиялари

Воҳид Раимкулович Кайтаров

vkaytarov@gmail.com

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

**Аннотация:** Ушбу мақолада тижорат банкларининг рақобатбардошлигини таъминлашда тўртинчи саноат инқилобини таъсири назарий жиҳатдан асосланган ҳамда молиявий технологияларни банк секторида бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Шунингдек, “Саноат 4:0” дастурининг аҳамиятли жиҳатлари, афзаликлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** “Саноат 4:0”, тўртинчи саноат инқилоби, сунъий интеллект (AI), Fintech, рақобатбардошлик

## The fourth industrial revolution: strategies for transitioning financial technologies to a new process in the banking sector

Vokhid Raimkulovich Kaytarov

vkaytarov@gmail.com

Higher School of Business and Entrepreneurship

**Abstract:** In this article, the impact of the fourth industrial revolution in ensuring the competitiveness of commercial banks is theoretically based, and proposals for financial technologies in the banking sector are developed. Also, the important aspects, advantages and specific features of the "Industry 4:0" program were studied.

**Keywords:** “Industry 4:0”, the fourth industrial revolution, Artificial Intelligence (AI), Fintech, competitiveness

### *Кириши*

Биз бугунги кунда технологиялари асрини, ҳаёжонли технологик ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқдамиз. Илмий лабараториялар, стартаплар, яратилаётган йирик инқилобий, илмий ҳамда инновацион технологик ютуқларнинг суръати, кўлами кечаги куннинг “илмий фантастикаси”ни бугунги кун ҳақиқати маҳсулот ва ҳизматларида намоён бўлмоқда.

Технологияларнинг жадал бундай ривожланиши банк ҳизматларидан фойдаланувчилар учун янги имкониятлар яратибигига қолмай, балки

ҳаммамизнинг ҳаёт тарзимиз, шахсий, иш-фаолиятимиз ва ўзаро муносабатларимизга ҳам таъсир этади. Бу чуқур технологик ўзгаришларни ҳаракатга келтираётган “Тўртинчи саноат инқилоби” деб номланган ходиса инсоният бошидан кечирган жараёнларга ўхшамайди.

Агар банк сектори инновацион технологияларини киритмаса ва мижозлар учун замонавий рақамли хизматларни тақдим қилмаса, технологик тараққиёт банк саноатига таҳдид солиши турган гап. Банклар, айниқса, тобора кенг тарқалган молиявий технологиялар (Fintech) пайдо бўлиши билан агрессив инновациялар киритилмаса, рақобатборо дошликини йўқотиши ва ҳатто йўқ бўлиб кетиши мумкин. Аввалги саноат инқилоби билан ҳамқадам бўла олмаган Нокиа, Кодак, поча хизматида бўлгани каби, технология билан рақобатлаша олмаса, банклар ҳам муваффақиясизлик ва ҳатто йўқ бўлиб кетиш хавфини бошдан кечиради.

Тўртинчи саноат инқилоби шароитида тижорат банклари ўзгариб бораётган технологиялардан ортда қолмаслик, рақобатбардошликини сақлаб қолища мижозлар ишончини оқлаш учун ўз анъанавий бизнес амалиётларини қайта кўриб чиқиб, ўз стратегияларини ишлаб чкиши даркор.

#### *Мавзуга оид адабиётлар таҳлили*

“Инқилоб” сўзининг маъноси Ўзбек тилининг изоҳли лугатига асосан (ўзгариш, тўнтариш, исён) Умуман, жамият ҳаёти унинг соҳаларида бўладиган ўзгариш, тубдан ўзгариш манъноларини англатади.

“4-авлод саноат” атамаси 2011 йилда Германиянинг Ҳонновер шаҳридаги саноат кўргазмаларидан бирида Германия ҳукумати томонидан ахборот технологияларини ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этилиши эълон қилинганди.

Илк бор 2013 йилда тақдим этилган Саноат инқилоби 4.0 "одамлар компьютер билан ишлайдиган даврдан компьютерлар одамларсиз ишлайдиган даврга ўтиш" деган ғоя туғилган. Шу сабабли, компьютерлар, смартфонлар ва интернетнинг кенг қўлланилиши билан бирга инфармацион технологияларнинг ривожланиши бошқа соҳалар каби молия секторини ҳам ўзгартирди, натижада янги компаниялар, янги маҳсулотлар ва янги молиявий воситалар пайдо бўлди [1].

Хорижий тадқиқотчилардан Hasan Çebi BAL, Çisil ERKANлар “Саноат 4:0”ни инсониятнинг онгий фаолияти билан ишлашга боғлиқлиги, қўшимча қиймат яратишда асосий омил эканлиги, маҳсулот сифатини янги босқичга олиб

<sup>1</sup> Machkour, Badr, and Ahmed Abriane. "Industry 4.0 and its Implications for the Financial Sector." Procedia Computer Science 177 (2020): 496-502.

чиққанлиги ва бошқа саноат босқичларидан рақобатда устунлик жиҳатларини тадқиқ этишган [2].

И.В.Тарасов “Саноат 4:0”ни рақобатда устунлик берувчи хусусиятларига жумладан, инсон ва машина ўртасидаги боғлиқликни тўғридан-тўғри ахборот технологиялари орқали боғланиш имкониятлари, ахборотларнинг шаффофлиги ва самарали тизимларни яратиш имконияти, моддий оламни виртуал кўринишига тўхталиб ўтган [3].

Liu C. макро ва микроиқтисодиёт рақобатбардошлигига “Саноат 4:0”нинг таъсирини баҳолаган ҳамда дастурни қўллаш билан боғлиқ стратегияларни таклиф этган [4].

Махаллий тадқиқотчиларимиздан А.Магрупов миллий иқтисодиёт учун замонавий мутахассислар тайёрлашда “Саноат 4:0” дастурини эътиборга олиш зарурлиги, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастури сунъий интеллект, интернет ашёлари, катта маълумотлар, ирсий ва биотехнологиялар, тикланадиган электр манбалари, композит материаллар билан боғлиқ эканлиги хусусида тўхталиб ўтган [5].

И.Тошпулатов “Саноат 4:0” дастуридан фойдаланиш корхона учун фойдали бўлиб, бутун жараён ахборот технологиялари асосида юритилиши, талабга мос маҳсулот турини ишлаб чиқариш имкониятини кенглиги, маҳсулот сифатини назорат қилиш ва такомиллаштириш имкониятини юқорилиги муҳим аҳамият касб этишини такидлаган [6].

### *Саноат инқилоблари*

1760-йиллардан 1840-йилларгача инсоният тарихида дастлабки улкан илмий кашфиётлар даври бўлди. Буғ машинасининг қилиниши, темир йўллар қурилиши, янги энергия ресурслари, ички ёниш двигателлари ва радиоалоқа воситалари ихтиро қилингани бунинг яққол далили бўла олади.

XIX охири - XX аср бошларига келиб, электр энергияси ишлаб чиқариш усууларининг кенг ёйилиши, симли, симсиз коммуникация воситалари кашф қилиниши, ишлаб чиқариш жараёнида турли қисмларни алоҳида ясад-йиғиши линиялари ишга тушиши ва натижада, оммавий ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани саноатга иккинчи инқилобни олиб келди.

<sup>2</sup> Hasan Çebi BAL, Çisil ERKAN. Industry 4.0 and Competitiveness. Published by Elsevier B.V. Peer-review under responsibility of the scientific committee of the 3rd World Conference on Technology, Innovation and Entrepreneurship. Procedia Computer Science 158 (2019) 625–631.

<sup>3</sup> Тарасов И.В. Индустрія 4.0: понятие, концепции, тенденции развития. Стратегии бизнеса электронный научно-экономический журнал. №6 (50) 2018. С. 57-63.

<sup>4</sup> Liu C. International Competitiveness and the Fourth Industrial Revolution. Entrepreneurial Business and Economics Review, 2017, 5(4), 111-133.

<sup>5</sup><http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/68039-innovatsiya--iqtisodiy-taraqqiyotning-assosiyaharakatlantiruvchi-kuchi>.

<sup>6</sup><https://cyberleninka.ru/article/n/t-rtinchi-sanoat-in-ilobining-mamlakat-ra-obatbardoshligiga-tasiri/viewer>

Учунчи саноат инқилоби 1960- йиллардан бошлади. Ахборотларни қайта ишлашни осонлаштирган рақамли тизимлар, электроника, компьютер ва информацион технологияларнинг кенг тарқалиши ҳамда уларнинг саноатни автоматлаштиришда қўлланиши шулар жумласидандир. Инсонни технологик ўзгаришлар қузатувчиси мақомидан уларнинг бевосита истеъмолчисига айлантирган бу инқилоб кундалик ҳаётимизни рангли телевизор, камера, видеомагнитофон, электрон калькулятор, CD, DVD, қўл телефони каби жуда қўп қулаг техника воситалари билан бойитди.

Хўш, бугунги кундаги тўртинчи саноат инқилоби юқоридагилардан нимаси билан фарқли? Тўртинчи саноат инқилобининг асоси ўтган аср ўрталаридан бери содир бўлган рақамли инқилобга қурилган. Бу инқилоб физик, рақамли ва биологик олам орасидаги боғлиқликни жуда ҳам қисқартирган технологияларнинг бирлашиши билан тавсифланади. Шунинг учун ҳам тўртинчи саноат инқилобига жамиятни техника ва инсониятни янада яқинлаштириб, янги имкониятлар эшигини очган кибер-физик олам туташувининг ибтидоси дея таъриф берсак, муболаға бўлмайди 1-чизма.



*1-чизма Саноат инқилоблари. Маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси.*

Тўртинчи саноат инқилобининг ютуқ тезлиги ҳозирги кунда тобора қўпроқ сезилмоқда ва барча соҳаларга ўз таъсирини ўтказмоқда. Саноат инқилобининг олдинги бир неча босқичлари билан солиширганда, тўртинчи саноат инқилоби чизиқли эмас, балки экспонент тарзда ривожланмоқда. СИ 4.0 технология тараққиётини рағбатлантирадиган босқич бўлиб, сунъий интеллектга эга роботлар каби смартфонларни қўлингизда ушлаб туриш, юқори технологияли гаджетларни ҳамёнбоп нархларда ишлатиш, масофа ва вақт тўсифини бузадиган видеоконференц алоқа каби юқори тезликдаги алоқани таъминлайди. Тараққиёт

ва ушбу инқилоб натижасида фойда олиш учун дастлабки стратегияларни амалга оширишга ва энг янги технология инфратузилмасини мослаштириш ва қабул қилиш тадбиркорлик ва операцион моделларни тубдан ўзгартириш хамда, тайёрликка боғлиқ бўлади.

Тўртинчи саноат инқилоби атамаси барча соҳаларда ишлаб чиқариш, савдо, молиявий хизматлари, транспорт, шунингдек, алоқа соҳаларига кириб борган технологик ютуқлар билан тавсифланган концепсияни англатади.

Тўртинчи саноат инқилоби концепцияси интернет ва смартфонлардан кенг фойдаланиш, Бюмлар Интернети (ПоТ), Сунъий интеллект (AI), Катта маълумотлар (BD), блок- занжир ва бошқалар технологиялардан фойдаланиб, улкан ҳажмдаги маълумотларни узатиш ва қайта ишлашга мўлжалланган тизимлар ва воситалар ўртасидаги рақамли интеграция ва автоматлаштириш орқали эҳтиёжларни олдиндан ўрганган ҳолда маҳсус тайёрланган, қўпроқ мослаштирилган товарлар ва хизматларни тақдим этишни назарда тутади.

Замонавий шароитда банк фаолиятининг трансформасия ғояси таниқли америкалик олим Б.Кинг томонидан ишлаб чиқилган. Ўзининг илмий ишларида замонавий технологияларнинг деярли чексиз имкониятлари инновацион молиявий хизматлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва бозорга чиқаришни нафақат банклар, балки нобанк ташкилотлар томонидан ҳам амалга оширишни таъминлаб беришини қайд этиб ўтган. Хусусан, Б.Кингнинг "Банк 4.0. Бэнкинг фақат банкларда эмас, барча жойда" номли асарида глобал бекарор муҳит шароитида банклар тўлиқ қайта ташкил этилиши, истеъмолчининг рақамли ҳаётига кириб бориши, фаолиятни кўп каналли хизматлардан бир каналли хизматлар тамойили асосида ташкил этилиши муқаррар жараён эканлигига ургу берилган<sup>7</sup>.

### Банк фаолиятини трансформациялаш жараёнлари эволюцияси<sup>8</sup>

Т/Р	Концепция	Даврлар	Асосий технологик драйверлар	Инновацион банк хизматлари
1	Банк 1.0	1970-1980 й	Банкоматлар	- банкоматлар орқали нақд пул олиш ва стандарт операцияларни бажариш; - банк хизматлари автоматлаш-тирилган тизимлар орқали кўрсатилиши
2	Банк 2.0	1990 йиллар	Интернет	- масофадан туриб хисобварақлардан фойдаланиш имкониятининг пайдо бўлиши; - ишончли ва қулай интерфесларнинг яратилиши
3	Банк 3.0	2000 й-х/в	Банк трансакцияларига мос келувчи	- тўловлар, ўтказмалар ва хисобварақдан фойдаланиш учун иловаларнинг яратилиши;

<sup>7</sup> King, B. Bank 4.0: banking everywhere, never at bank. – Singapore: Marshall Cavendish Business, 2018. – 347 р.

<sup>8</sup> Кинг, Б. Банк 2.0. Как потребительское поведение и технологии изменят будущее финансовых услуг / [Пер. с англ. М. Мацковской]. – М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2012. – 512 с.; Кинг, Б. Банк 3.0. Почему сегодня банк – это не то, куда вы ходите, а то, что вы делаете [Пер. с англ. М. Мацковской]. – М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2014. – 520 с.; King, B. Bank 4.0: banking everywhere, never at bank. – Singapore: Marshall Cavendish Business, 2018. – 347 р. асосида тайёрланди.

			смартфонлар. "Булутли" технологиялар, Big data, буюмлар интернети	- масофадан хисобварак очиш ва у билан ишлаш; - иловалар банкоматлар вазифасини бажаради; - банк хизматларини олиш учун банк бўлимларига келиш шарт эмаслиги
4	Банк 4.0	Яқин	Сунъий интеллект,	- сунъий онг ёрдамида банклар ўз мижозларининг молиявий маслаҳатчиси ва ёрдамчисига айланиши; - банк фаолиятида виртуал реаллик технологияларининг қўлланилиши

Сўнгги йиллар давомида банк фаолиятининг трансформасиясида кузатилаётган ўзгаришларнинг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда 1994 йилда Б.Гейтснинг "Бизга банклар эмас, балки банк хизматлари керак" деган мулоҳазасига таянган ҳолда баъзи манбаларда банклар фаолиятининг тугатилиши ҳақида маълум фикрлар билдирила бошланди<sup>9</sup>. Фикримизча, замонавий шароитда банклар ўз фаолиятини сақлаб қолади ва асосий функцияларини бажаради. Бунинг учун банклар саноат инқилобларининг "Бурилиш нуқталари" ни англаши керак бўлади.

Бурилиш нуқталари Жаҳон иқтисодий формунинг "Компьютер дастурлари ва жамият келажаги" номли глобал кенгаш кун тартибига асосан ўтказилган сўровномада ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасидаги 800 дан ортиқ ижрочи эксперталар қатнашган. Мазкур сўровнома иштирокчилари 2025 йилга бориб "Бурилиш нуқтасида" кутилаётган ўзгаришлар келтирилган. 2-жадвал

2025 йилга бориб содир бўлиши кутилаётган бурилиш нуқталари фоиз  
хисобида<sup>10</sup>.

Одамларнинг 10 фоизи интернетга уланган кийимларни кияди	91,2
Одамларнинг 10 фоизи чексиз (реклама орқали молиялаштириладиган) маълумот сақлаш имконига эга бўлади	91
1 триллион сенсор интернетга уланади	89,2
АҚШда илк робот аптекачи	86,5
Ўқишига мўлжалланган кўзойнакларнинг 10 фоизи интернетга уланади	85,5
Одамларнинг 80 фоизи интернетда рақамли тарзда мавжуд бўлади	84,4
Биринчи 3D принтланган машина ишлаб чиқарилади	84,1
Аҳоли рўйхатини йирик маълумотлар базасига алмаштирган илк хукumat	82,9
Имплантация қилиш мумкин бўлган мобил телефон биринчи марта савдога чиқарилади	81,7
Истеъмол таварининг 5 фоизи 3D принтлаш орыали яратилади	81,1
Аҳолининг 90 фоизи смартфонлардан фойдаланиш имконига эга бўлади	80,7
Аҳолининг 90 фоизи интернетдан доимий фойдаланиш имконига эга бўлади	78,8
АҚШда кўчаларида автомобилларнинг 10 фоизи хайдовчисиз бошқарилади	78,2
3D принтирулган жигар биринчи марта организмга кўчириб ўтказилади	76,4
Корпорация аудитларининг 30 фоизи АІ томонидан бажарилади	75,4
Солиқ биринчи марта хукumat томонидан блокчайн орқали йиғиб олинади	73,1

<sup>9</sup> Банк 3.0. Почему сегодня банк – это не то, куда вы ходите, а то, что вы делаете // Banki.ru <https://www.banki.ru/news/daytheme/?id=7194663> bawww.mckinsey.com/~/media/McKinsey/Locations/Europe

<sup>10</sup> Deep Shift – Technology Tipping Points and Societal Impact

Уйдаги интернетнинг 50 фоизидан кўпи жиҳоз ва қурилмага сарфланади	69,9
Дунё бўйлаб автомобиллардан биргаликда фойдаланиб саёҳат қилиш улуши шахсий автомобилда саёҳат қилишдан кўпроқ бўлади	67,2
Жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 10 фоизи блокчейн технологиясида сакланади	57,9

Ушбу бурилиш нуқталарида олдиндан қандай туб ўзгаришлар кутилаётганлигини ва бу каби ўзгаришларга банклар қандай тайёрланиши ҳамда жавоб қайтаришни тушуниши муҳим аҳамият касб этади.

Техника ва технологиялар тараққиёти банк соҳасида жуда кўп ўзгаришлар кириб келишига сабаб бўлди ва бу ўзгаришлар бугунги қунда ҳам давом этмоқда. Технологиялар тараққиёти деярли барча соҳаларни, жумладан, банк секторида хизматлар кшрсатиш соҳасини ҳам қайта белгилаб берди ва ўзгартириди. Мураккаб технологиялар ва интеграциялашган тизимларнинг пайдо бўлиши, айниқса, молиявий операцияларни амалга оширишда бизнес юритишида қулайликлар яратди. Бугунги қунда “Биносиз банк” атамаси ҳаётимизга кириб келиш арафасида, чунки мижозлар энди банк филиаллари ёки банк биноларига боришига муҳтож эмаслар. Банк билан боғлиқ кўплаб банк операцияларини бажариш учун ўз чўнтакларида смартфонлардан фойдаланиши мумкин.

Ҳозирги қунда банк мижозлари таркибининг қўпчиликни ёшлар ва ўрта ёшдаги инсонлар ташкил қиласида ва улар олдинги авлодларга қараганда турли хил имкониятларга эга бўлиш билан бир қаторда кўплаб янги банк маҳсулотларига эҳтиёжлари мавжуд. Мавжуд банк моделлари энди бундай имтиёзларга жавоб бера олмайди, факат тўртинчи авлод воситалари, технологиялари ва механизмлари буни бажара олади. Тўртинчи саноат инқилобига киришнинг иккита ёндашуви мавжуд:

Биринчи ёндашув янги маҳсулотлар ва жараёнлар янги эҳтиёжларни қондирилиши кутилади;

Иккинчи ёндашув банк ҳзматларини кўрсатишда самарадорлигини ошириш учун технологик инновациялар амалга оширилиши керак бўлади.

Мижозларнинг янги авлодини жаҳон молиявий бозорга олиб чиқиш ва ушбу ўзгаришларда бизнесни юритиш учун анъанавий банк хизматлари ва маҳсулотларини бутунлай қайта кўриб чиқиш керак бўлади. Банклар фаолиятига янги технологияларни олиб кириш фаолият самарадорлигини ошириш, тезкор операциялар, узлуксиз пул ўтказмалари, реал вақтда ахборот тизимлари ва самарали рискларни бошқаришни ўз ичига олади.

Ажабланарлиси шундаки, молиявий тизим учун СИ 4.0 технологиялари зарур бўлиб, банк фаолиятида энг муҳим фаолиятидан бири бу технология билан активларни рақамлаштириш, рақамли идентификацияни яратиш, мижозларга маҳсус таклифларни тақдим этиш, ҳар бир мижозни шахсийлаштиришни тақдим этиш лозим бўлади. Мисол учун, Япония ва АҚШдан кейин Жанубий Корея криптовалюта бозорида учинчи ўринни эгаллайди ва мамлакатнинг иккинчи

йирик банки Shinhan Bank эндиғина мамлакатнинг иккинчи йирик хизмат кўрсатувчи провайдерига қўшилди. Банкда блокчейн асосидаги платформани яратиш асосий мақсад бўлиб, платформа узоқ вақт давомида банк сектори истеъмолчилар билан қандай муносабатда бўлиш ва мижозларга хизмат кўрсатиши ҳал қилиш учун масъул эди. Истеъмолчилар янги авлод банкида энг яхши мижоз жалб қилишда уларнинг мавжу ва келгуси эҳтиёжлари тўпламини аниқлайди. Натижада, банклар ўзларининг ишлаш моделларини бутунлай қайта кўриб чиқишилари керак бўлди<sup>11</sup>.

Технологик тараққиёт мижозларнинг тезкор ва ўзига хос тарзда банк хизматларига бўлган эҳтиёжрани ўзгартириб, банк учун хизмат кўрсатиш бизнес модели учун стратегияларни қайта кўриб чиқиши келтириб чиқармокда. Янги маҳсулот ва хизматларни сезиларли даражада арzonроқ нархларда етказиб беришни йўлга қўйган банклар анъанавий бизнес стратегияларига амал қилувчи банклардан ўзиб кетмоқда. Бу жараён кейинги саноат инқилоби билан тезлашиб, ўз ўрнида харажатларни камайтиради ва кенг миқёсда, хусусан, банк фаолияти самарадорликни оширади. Келгусида инновацион ўзгаришларга сустлик билан кириб келаётган банклар ўзларининг бизнес стратегиялари ва моделларини янги платформалар ва имкониятларни қўллаш орқали қайта кўриб чиқадиганлар билан рақобатлаша олмайди.

Эндиликда ўзларининг эски бизнес моделларидан фойда ололмаслигини тушунган банклар, кўпроқ мослашувчан моделни танлаган ҳолда Fintech технологияларини ривожлантиришга интилмоқда. Стартаплар ва Fintech технологияларни ўзлаштиришга банклар илмий-тадқиқот, амалиёт ва ходимлар тажрибасини оширига ва мижозлар эҳтиёжларини ўрганишга катта миқдорда сармоя киритишлари керак, шунингдек, энди янги кириб келаётган СИ 4.0 билан рақобат қилиш учун қўлланилмайдиган эски фаолиятдан воз кечиш керак. Шу билан бирга банклар фаолиятида операцион жараёнларни автоматлаштириш томон ўзгариши лозим. 2-расм

Ромао ва бошқалар опреацион жараёнларни автоматлаштириш (ОЖА) бу фақат инсонлар томонидан бажариладиган юқори ҳажмли вазифалар ва тақорорий жараёнларни автоматлаштириш учун сунъий интелект ва технологияни ўрганиш кўникмаларига эга дастурий таъминотдан фойдаланиш эканлигини айтиб ўтади<sup>[12]</sup>. Опреацион жараёнларни автоматлаштириш асосан дастурий таъминотга асосланган роботлаштирилган ишчи кучи бўлиб, у ходимларга фақат мижозларнинг ўзи бажарадиган ва камроқ вақт талаб қиласиган ишларга қўллаш имконини беради. PayMe ўз мижозларига ёрдам бериш учун сунъий интелект ва

<sup>11</sup> Elizabeth Alexandria Lauren elizabeth.alexandria.lauren-2020@feb.unair.ac.id Airlangga University

<sup>12</sup> Romao, Mario, Joao Costa, and Carlos J. Costa. "Robotic Process Automation: A Case Study in the Banking Industry." 14th Iberian Conference on Information Systems and Technologies (CISTI) . Coimbra, Portugal, 2019.

роботлардан фойдаланадилар. PayMe иловаси бир мижоздан бошқасига пул ўтказиш учун ишлатади.

### Банк операцион жараёнларини автоматлаштириш

#### Операцион жараёнларни автоматлаштириш (сунъий интилект AI) нинг 6 та умумий функциялари



Младеновичнинг такидлашича<sup>13</sup> опреацион жараёнларни автоматлаштириш банкларга кенг кўламли жараёнларни тезроқ ва осонлик билан тартибга солиш ва рақамлаштириш имконини беради, ва булар қуйидагича:

- тизимлар ўртасида узвий ҳамкорликни таъминлаш, ходимларнинг маълумотларни қўлда йиғиши талабини олиб ташлаш;
- офис операцияларини яхшилаш (камроқ хатолар, тезроқ амалга ошириш);
- улкан маълумотларни қайта ишлаш тезлигини оширади;
- ходимлар мижозларга хизмат кўрсатишга қўпроқ эътибор қаратишлари ва бунинг натижасида мижозларга юқори хизмат курсатиш имконига эга бўлади;
- кенг шаффоффлик орқали меъёрий ҳужжатларга риоя қилишни осонлаштиради;
- рақамли банк ўзгаришларининг янги тўлқини учун шароит яратади.

Опреацион жараёнларни автоматлаштириш оддий ва арzon дастурий таъминотга асосланган ечим бўлиб, ишчи кучининг тахминан учдан бирига қисқартиради ва маҳсус жиҳозларни талаб қилмайди ва деярли ҳар қандай IT мухитида ишлайди. Технология ишнинг аксарият қисмини бажарар экан, бизнес фойдаланувчилари кўпинча юзага келиши мумкин бўлган истиснолар ёки қийинчиликларни ҳал қилиш имконига эга бўлади.

<sup>13</sup> Mladenovic, Srdan. *Banking Industry 4.0: Robotic Automation as an Answer to the Challenges of Tomorrow*. 2019. <https://www.comtradeintegration.com/en/banking-in-industry-4-0-roboticautomation-as-an-answer-to-the-challenges-of-tomorrow> (accessed June 10, 2021).

Технаологиялар орқали опреацион жараёнларни автоматлаштириш инсонларга қараганда 15 баробар самаралироқ эканлиги исботланган, у қўлланиладиган функциянинг хусусиятларига қараб 90% гача харажатларни тежаш имконини беради. Янги технология асосидаги дастурлар кечаю кундуз ишлаши мумкин, вақтни ҳисобга оладиган ҳисббот вазифаларини бажариши мумкин, бу одатда ходимларни белгиланган муддатларга риоя қилиш учун кечаси ва дам олиш қунларида ишлашни талаб қиласди<sup>14</sup>.

Банклар учун келажак банкига ўтишда маълумотлар тўплаш ва қайта алмашиш муҳим компонент ҳисобланади. Маълумот тўплаш ва таҳлил қилиш жуда муҳим, аммо банкларга яхшироқ қарорлар қабул қилиш ва мижозларга хизмат кўрсатиш таклифларини яхшилашга ёрдам берадиган асосий мезонларни аниқлаш ва тушуниш учун таҳлил натижаларидан фойдаланиш янада муҳимроқ.

### *Хулоса*

Банклар кўп йиллар давомида Fintech технологиялари фаолиятида қўллашга эришишга ҳаракат қилиб келмоқда. Бази банклар ҳозирда Fintech технологиялар қўллаган ҳолда рақамли банк фаолиятининг янги концепцияларини самарали жорий этди. Fintech технологияларини жорий этишда кўплаб муассасалар ёрдамига мурожаат қилиш сабабли бальзан муаммоларга дуч келиши мумкин. Банклар мижозларга рақамли хизматларни тақдим этишда дастлаб шубҳа ва ишончсизлик билан қарашди, аммо мижозлар томонидан ушбу банк хизматлари жуда яхши ўзлаштирилмоқда. Бу эса шубҳасиз, банкларда эскирган тизимлар вос кечиши ва хавфдан кўрқиши устуворлигини енгшига туртки бўлади.

Технологик тараққиётдан хабардор бўлиш ва мижозлар эҳтиёжларида бурилиш нуқталарида олдиндан қандай туб ўзгаришлар кутилаётганлигини ва бу каби ўзгаришларга банклар қандай тайёрланиши ҳамда жавоб қайтаришни тушуниши муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, банклар учун асосий устувор вазифа истеъмолчи нуқтаи назаридан хизматларни яхшилаш ва тақдим этиш керак, шунда улар мижозлар эҳтиёжларини тўла қондириш ва уларнинг рақамли хизматлар юзасидан тажрибасининг муҳим жиҳатини энг яхши тарзда ривожлантиришлари мумкин. Натижада, банк ва унинг мижозлари ўртасидаги ҳамкорликни шакллантириш тўртинчи авлод банкларини қадрлаш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Шунингдек, янги иш усусларини ўрнатиш учун банклар технология ва билимга асосланган корхоналар билан яқиндан ҳамкорлик қилишлари керак.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

- [1] Machkour, Badr, and Ahmed Abriane. "Industry 4.0 and its Implications for the Financial Sector." Procedia Computer Science 177 (2020): 496-502.

<sup>14</sup> Elizabeth Alexandria Lauren elizabeth.alexandria.lauren-2020@feb.unair.ac.id Airlangga University

[2] Hasan Çebi BAL, Çisil ERKAN. Industry 4.0 and Competitiveness. Published by Elsevier B.V. Peer-review under responsibility of the scientific committee of the 3rd World Conference on Technology, Innovation and Entrepreneurship. Procedia Computer Science 158 (2019) 625–631.

[3] Тарасов И.В. Индустрия 4.0: понятие, концепции, тенденции развития. Стратегии бизнеса электронный научно-экономический журнал. №6 (50) 2018. С. 57-63.

[4] Liu C. International Competitiveness and the Fourth Industrial Revolution. Entrepreneurial Business and Economics Review, 2017, 5(4), 111-133.

[5] <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/68039-innovatsiya--iqtisodiy-taraqqiyotning-asosiyharakatlantiruvchi-kuchi>.

[6] <https://cyberleninka.ru/article/n/t-rtinchi-sanoat-in-ilobining-mamlakat-robatbardoshligiga-tasiri/viewer>